

ХДР

1918-йил
21-йундан чиқа
бoshlagan

№26, 2022-йил 28-йун,
сешанба (32.720)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rluk — davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадри дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган мухтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилаklarимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонқуяр ва заҳматқаш инсонларни кўраимиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичга қадам қўётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари – журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио

каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Мухтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд аъёнларини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислохотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда

муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва Интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобиль иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очик, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикани тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш – олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот маконида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилоқдалар.

Давоми 2-бетда. ▶

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилган инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Бу йил пойтахтимизда қарийб 4 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 500 дан зиёд лойиҳа режалаштирилган. Бугунги кунга келиб, шундан 1 миллиард 500 миллион доллар иш ўзлаштирилган. 120 миллион долларлик 71 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Умумий миқдори 2 миллиард 300 миллион долларлик яна 450 та лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичлар етарли эмаслигини таъкидлаб, кечикаётган лойиҳаларнинг муаммосини ҳал қилиш, инвестициялар жалб этишни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда "Янгиҳаёт" индустриал технопаркида олиб борилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 4 февралдаги қароридан белгиланган эди. Ушбу технопарк учун 210 гектар майдон ажратилган. Бош режа ишлаб чиқилиб, бугунги кунда муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш бошланган.

Президентимиз бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳа эканини таъкидлади.

– Ҳеч қайси давлатда тадбиркорга енгиллик яратмасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. Бу технопарк тадбиркорлар учун қулай майдон бўлиши керак. Импорт ўрнини босадиган, кўпроқ одамларни иш билан таъминлайдиган лойиҳаларга эътибор қаратиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи босқичда технопаркнинг 110 гектар майдони аукционда сотилган. Уларда ошхона жиҳозлари, қандолатчилик ва тўқимачилик махсулотлари, сантехника товарлари, полиэтилен ва металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилган. Умуман, технопаркда ташкил этиладиган корхоналарда 20 минг иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Тошкентда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳам имкониятлар катта. Ўтган беш ойда бу соҳада 5 минг 500 та лойиҳа доирасида 183 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаби ва имкониятлари ўсиб бораётганини, шундан келиб чиқиб, хизматларни кенг кўламда ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Ёшларни бу соҳа бўйича ўқитиб, хизматлар сифатини ва бандлигини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган демократик ислохотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги яратувчилик ва янгиликни жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, соҳа учун малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан **Максудов Мухаммаджон** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори

Матякубова Назира Тохтабаевна — Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири

Тошев Фармон Исхакович — Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Худойқулов Мухтар — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

Шералиев Раҳматилла — Тошкент вилояти «Чирчиқ тонги» газетаси бош муҳаррири

Давоми 2-бетда. ▶

ЖУРНАЛИСТИКА – ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ КАСБ

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси. Ундаги ривож, тараққиёт, ҳалоллик кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолияти билан узвий боғлиқдир.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда бу йил ҳам кенг ва кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Медиа соҳа вакиллари республика анжумани, «Ашқобод боғи»да матбуотчилар фарзандлари учун ташкил этилган махсус сайлар, спорт мусобақалари, «Заковат» интеллектуал ўйинлари байрамга ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Сана муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги "Hyatt Regency" мажмуасида тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Унга барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистлар, ноширлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика йўналиши профессор-ўқитувчилари, фахрий ижодкорлар, ёш қаламкашлар таклиф этилди.

Давоми 2-бетда. ▶



27-IYUN – MATBUOT VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI XODIMLARI KUNI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илгор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серкйрра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш – яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича кунни кеча қабул қилган Президент қарори бу борада муҳим кадам бўлди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-ҳаёт билан

◀ Давоми, бошлангичи 1-бетда.

таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйлари қурилади, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра, матбуот эркинлиги – барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида

баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фидойиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз қалам аҳлини кутлуг байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклар, барчангизга сўхат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-ҳотир-жамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЖУРНАЛИСТИКА –
ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК,
ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ
ЭТУВЧИ КАСБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари, Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, ижодкор зиёлилар, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимларининг заҳматли ва фидокорона меҳнати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган, юксак кадр ва рағбат билан доим эътироф этилган. Давлатимиз раҳбарининг "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида кўра бу йил ҳам медиа тузилмалар, нашриётлар, ахборот-ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган фаол ва фидойи соҳа вакиллари билан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланди. Уларга мазкур мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов тантанали тарзда топширдилар.

Тантанали тадбирда мамлакатимизда бугунги кунда кечаётган шиддатли ўзгаришлар масс-медиа соҳасида ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётгани таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Медиа тузилмаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тахририятлар фаолиятини шиддатли змон руҳига монанд тарзда такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг бари медиа тузилмалар фаолиятида ўзининг ижодий таъсирини кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ростида эркин ва самарали фаолият юритиши йўлида кўрсатилаётган эътибор бугун илгари мисли кўрилмаган қамров ва мазмун касб этди, десак муболага бўлмайди. Бу эса оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган медиа-материалларнинг тезкорлиги, таҳлилий, танқидий, мулоҳазакор руҳда экани, одамларнинг дарду таъшишлари журналистлар томонидан тайёрланаётган материалларда устувор ва асосий мавзуга айланиб улгургани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда барча турдаги оммавий ахборот воситалари каби медиа тузилмаларнинг замонавий шакллари, веб-сайтлар, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, янгидан-янги телерадиоканаллар ташкил этилиб, улар шиддат билан ривожланиб бормоқда. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар, тузилмалар таркибида матбуот хизматларининг фаолияти кенг йўлга қўйилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, қонун устуворлигига таъйин, маънавий тараққиётни таъминлаш, Бош Қомусимизда акс этаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ёритишда журналистларнинг янада фаол бўлмоғи зарурлигини аниқлатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июнда қабул қилган "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бундай имкониятлар медиа соҳа вакилларида мамлакатимизда кечаётган янгиликларни жараёнларида ҳар қачонгидан ҳам фаол, ҳолис ва ҳалол бўлишни талаб этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибсига Раъно Жўраева, «Ishonch-Doverie» газетаси масъул котиби, "Дўстлик" ордени соҳибсига Валентина Марценяк ва бошқалар журналистларга кўрсатилаётган улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

– Давлатимиз раҳбарининг бугун эълон қилган қарори чин маънода тарихий қарор бўлди, – деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Усаров. – Булар медиа тузилмаларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш, кадрларнинг хорижда тажриба салоҳиятини ошириш, устоз журналистларни ёшларга кўмак кўрсатиши каби жиҳатларни қамраб олади. Қарор билан уюшма ўз биносига эга бўлди. Шунингдек, энг яхши 100 тагача мақолаларни аниқлаш, уларнинг муаллифларини рағбатлантириш имкони пайдо бўлди. Буларнинг бари миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, ижодкорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда янги имкониятларни очди.

– Президентимизнинг камтарона меҳнатларимни юксак эъзозлагани, эътибор ва рағбат кўрсатганидан беҳад мамнунман, – деди "Янги Ўзбекистон" газетаси тахририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири Улуғбек Асроров. – Бундай ғамхўрлик халқимиз, Ватанимиз, касбимизга янада катта садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи-ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

◀ Давоми, бошлангичи 1-бетда.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими» фахрий унвони билан

Абасханов Рихсибой Абдилазизович – «Ёғду» нашриёти бош муҳаррири

Амирова Шахноз Хатамовна (Шахноза Ганиева) – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат муассасаси «O'zbekiston tarixi» телеканални лойиҳа бошловчиси

Эшонкулов Назар Салиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбектефильм» давлат муассасаси директори ўринбосари – бош муҳаррири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Джураева Ранохон Гафуровна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

Иванова Анна Витальевна – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

Каримова Хатичахон – Фарғона вилояти «Ойдин» газетаси бош муҳаррири

Маликов Эркин – «Ҳиллол» нашриёти муҳаррири

Турсунова Мавжуда Хафизовна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

Шодиев Махаммадхон Махмуджонович – «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Татьяна Самуговна – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг офсет босма цехи муҳаррири

Айходжаева Азиза Саденовна – «Нурлы жол» газетасининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт бўлими мудири

Алимов Чори – Қизириқ тумани «Тараққиёт» газетаси бош муҳаррири, Сурхондарё вилояти

Жуманиязова Халима Тагановна – Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳри «Маконим» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Каримова Шахзода Ғопоровна – Балиқчи тумани «Ғалаба» газетаси бош муҳаррири, Андижон вилояти

Ли Сергей Алексеевич – «Народное слово» газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири

Магдиев Баходир Кабул-Кариевич – «O'riat» телерадиокомпанияси» масъулияти чекланган жамиятининг «O'riat Dono» радиоси бошловчиси

Марценяк Валентина Викторовна – «Ishonch-Doverie» газетаси масъул котиби

Мирзаахмедов Мурабас – «Миллий» телеканалининг «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» кўрсатуви бошловчиси

Саматов Фахриддин Умиркулович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телеканални «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси масъул котиби

Сафаров Мамадмин Абдуғаппарович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари

Хайдарова Дилбархон – Наманган вилояти «Мураббий» газетаси бош муҳаррири

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Сейданова Лала Алмуратовна – Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Қорақалпоғистон» телеканални ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳаррири

Хамидова Мухаббат Махмудовна – «Гулхан» журнали бош муҳаррири ўринбосари

«Соғлом турмуш» медали билан

Каримов Захид Бахримуратович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» телерадиоканали» давлат муассасаси директори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Алиқулова Гулчехра Тимуровна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

Мамадаминов Алмурат Маматкулович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотоахборот тахририяти фотомуҳбири

Раҳманбердиев Жавдат Каримбердиевич – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Медиа-маркази бош мутахассиси

Саидов Комилжон Саипджанович – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

Ходжаахмедов Суннат Абдуллаевич – «Ўзбекистон нашриёти» давлат унитар корхонаси муҳаррирлар бўлими бошлиғи

Хожиев Фарход Жумабаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканални гуруҳ бош муҳаррири

Шарасулов Шамаҳмут Шакаримович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifat» телерадиоканали» давлат муассасаси режиссёри

«Келажак бунёдкори» медали билан

Боходиров Сарварбек Санжарбек ўғли – «Менинг юртим» телеканалининг «Марказий студия» дастури бошловчиси

Убайдуллаев Хикматилла Шухратилла ўғли – Миллий масс-медиа қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари

«Шухрат» медали билан

Адилов Улуғбек Шахарбаевич – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

Аллаев Фируз Абдунасимович – Тошкент шаҳридаги «Asaxiy books» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Асроров Улуғбек Холбоевич – «Янги Ўзбекистон» газетаси тахририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири

Бободўстов Файзулла Муродович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

Буриева Хулқар Туракуловна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканални суҳандонлар гуруҳи суҳандони

Игамбердиева Фарида Бурикуловна – «Darakhchi.uz» интернет оммавий ахборот воситаси бош муҳаррири

Исломов Низомжон Илҳом ўғли – «Aniq.uz» веб-сайти муҳаррири

Курбанов Шухратбек Равшанбекович – «Kurbanoff.net» блоги администратори

Мусаева Наргиза Абдуллаевна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Бўка тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Тошкент вилояти

Нугманов Бекзод Алимович – Тошкент шаҳридаги «Media News» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

Пулатов Абдоржон Масутович – «Авторадио» радиостанцияси таъсисчиси

Турдибаев Олимжон Арипджанович – «UzReport» масъулияти чекланган жамиятининг «UzReport TV» телеканални бош муҳаррири

Худайкулова Зилола Рахматовна – Бухоро вилояти «Истиклол-ТВ» телерадиокомпанияси бош муҳаррири

Шадрин Константин Михайлович – Тошкент шаҳридаги «Kolograk» масъулияти чекланган жамияти дизайнери

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

◀ Давоми, бошлангичи 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга қадар:

оммавий ахборот воситалари **фойда солиғини** белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан **50 фоиз** камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантирилмайдиган рўйхат бўйича олиб қилинадиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қоғоз **божхона божидан озод этилади;**

б) 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга **110 нусха** даврий босма нашрлар ва **67 нусха** китоб маҳсулотларининг **мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб**, улар томонидан босма маҳсулотларни **харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади** (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

в) бюджет ташкилотларига улардаги "кутубхона фонди" харажат моддаси орқали **даврий босма нашрлар**, уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига **обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади.**

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан бошлаб болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомасхулотларни ишлаб чиқариш ва эфирга узатиш бўйича ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа** учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратилмайдиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида **ҳар чорада:**

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **100 тагача энг яхши материал** учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қўйида юқорида ўсиб бориш тартибда базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади;**

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган **100 тагача энг яхши тахлилий материални тайёрлаш** ва оммавий ахборот воситаларида **эълон қилиш** учун давлат **грантлари** ва давлат **ижтимоий буюртмаларини** бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) энг яхши материалларни **кенг жамоатчилик ва малакали мустакил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими** – махсус электрон платформани ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни **демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик** билан ўтказишга эътибор қаратилсин, шунингдек, **"Олтин қалам" миллий мукофоти совриндорлари:**

бош миллий мукофот учун – автомобиль; биринчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар "Илҳом" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **барча давлат органлари ва ташкилотлари** ўз муассислигидаги **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли**, шу жумладан, **мобиль иловалари** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022-2024 йилда ажратилган Давлат бюджети ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб: давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини**, шу жумладан, уларнинг **мобиль иловаларини яратиш** ҳамда **модернизация қилиш** ва бир йил давомида **юритиш харажатларини қоплаш учун** 2026 йил 1 январга қадар **ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа** бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига **масофадан туриб обуна бўлиш** ва уларнинг буюртмачигача **ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб бориш** имконини берадиган **"Обуна" ягона электрон платформаси**, шу жумладан, унинг **мобиль иловаси** яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан "Обуна" ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-баддий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг **10 фоиз, болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар обуна нархининг 20 фоиз** миқдори **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида **қайтарилади ("Cashback")**, реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қўшимча ажратилмайдиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан "Обуна" ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг **мобиль иловасини** яратсин ва **электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин** ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан **интеграция қилиш**, кадрларнинг **малакасини ошириш** ва журналистларнинг **хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш** мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда ийрик тахлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари тахрирларини, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камида беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, **Ўзбекистон Республикасининг faxрий унвонларига эга бўлган** шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорларига журналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимларини, соҳанинг етуқ мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **қўшимча рағбатлантириш** ҳуқуқи берилди;

г) **журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кадраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида **камида бир йил** давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва тахририят ходимларининг: **хорижий тилларга ўқитиш бўйича**

ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми компенсация қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотидан ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун **имтиҳон топириш харажатлари тўлиқ компенсация** қилинади.

Бунда, ушбу "д" кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилдаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин. Белгилансинки, 2023-2024 йилларда **50 нафар журналист ва тахририят ходимлари** хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилмайдиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар йили** Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда **субсидия** сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қўйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **юзага келган низоларнинг судгача ҳал этилишига кўмаклашиш;**

журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли **жиноят ишлари бўйича** иш юртида уларнинг **жамоатчилик ҳимоячилари** сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадий кенгаши фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириб бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа маҳсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилди.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг **соли** ва **миқдорини ошириб бориш** ҳамда бу борада **алоҳида танловлар** ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат

кўрсатиш учун белгиланган **давлат божи миқдорини 50 фоизгача камайтириш** ҳамда уни **йил давомида бўлиб-бўлиб** тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қўйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутилади:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш);

радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган "Матбуот уйи" бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг тахририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатилмайдиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда:

ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шаҳарча** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шаҳарча лойиҳаси якунига етказилганига қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. 2022-2023 йилларда **оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари дастурда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул** эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3184-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидagi, 5-бандининг иккинчи хатбошисидagi, 10-бандидаги ҳамда қарорга 1-илованинг ўн бешинчи хатбошисидagi тегишли келишидаги "Журналистлар ижодий уюшмаси" сўзлари тегишли келишидаги "Журналистлар уюшмаси" сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3195-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори **А.А.Ходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш.И.Асадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ КОНСТИТУЦИЯ ВА ИСЛОҲОТЛАР ҲАҚИДА

БОЛАГА ҲЕЧ КИМ
ОТА-ОНАЧАЛИК МУҲИМ
БЎЛОЛМАЙДИ



Камолитдин ГОПИРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Андижон вилояти:

— Президент Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Бош Қомусимизга "Ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлиги, тўлақонли ва баркамол ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳуқуқига эга ва бунга мажбурдир", деган қондан киритишни таклиф этар экан, бу ёш авлод тақдири учун масъулиятни янада оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида ота-она масъулиятини ошириш лозим. Бугунги кунда бу меъёрлар биров эътибордан четда қолаётгандек, назаримизда. Кўпчилик ота-оналар болам мактабда, боғчада, ўқишда таълим ҳам, тарбия ҳам олади, деб ўйлашади. Болаларнинг кунги, вақти, фикр-ўйлари билан кўпам қизиқмайди. Уларга вақт ажратолмайди. Уйдан эрта чиқиб кетиб, фарзандлари ухлаганда уйга келадиган оталар бор. Ёки рўзгор тебратиш мақсадида чет элга ишлаш учун кетганлар бор. Улар доим ёки мунтазам болалари билан мулоқот қилолмайди.

Лекин ота-она ҳар қандай ҳолатда ҳам биринчи ўринда фарзанд тарбиясига эътибор қаратиши керак. Билим олиши, ҳунар эгаллаши учун шариот қилиб бериши керак. Ўқувчиларимизга кўп айтаман, **таниқли сиёсатчи аёл Маргарит Тетчер хонимга отаси болалигидан қўлга китоб бераркан, уни ўқиб, ўрганганларини айтиб берганидан кейингина ўртоқлари билан ўйнашга рухсат берар экан.**

Ота-она ҳар кунги ҳеч бўлмаганда ярим соат фарзандлари билан сўхбатлашиши керак. Ўқиган китоби, қаҳрамонлари, қизиқчилари ҳақида гаплашиши, ютуқларидан фойдаланиши, унга рағбат бериши жуда муҳим. Фикрларини ҳурмат қилсин, боласига кўпроқ меҳр берсин. Катталарни ҳурмат қилишга чорласин. Оиласи, маҳалласи, мактаби учун яхшилик қилишини ўқитиши, бу сенинг маҳалланг, кўчанг, ака-укаларинг, қариндошларинг, деб қалбда инсонларга, ҳаётга меҳр-муҳаббатни шакллантириш керак.

Боғча, мактаб таълим-тарбияни баробар олиб боролмайди. Бола мактабда ҳар хил ўқитувчилар билан мулоқот қилади. Умумий тарбияни бериши мумкин, аммо туйғуларни шакллантира олмайди. Шу боис таълимни ҳам, тарбияни ҳам ота-она тўлдириб бориши керак. Янги Конституцияга бу борада тақдим этилаётган таклифни тўла қўллаб-қувватлайман.

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ
ШАРОИТИ МАМЛАКАТ
УЧУН МУҲИМ



Фарҳод СОЙИБОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Навоий вилояти:

— Биласизми, демократия ҳақида гап кетганда одатда бир мисолни айтаман. Масалан, демократиянинг энг олий намуналари борлиги таъкидланадиган Америкада мактабда 3 та тилда ўқитилади, бизда эса 7 тилда дарс берилади. Шунинг ўзиёқ кўп масалаларни оидинлаштиради. Бугунги кунда Конституцияга ўзгаришлар киритилишига оид ислохотлар замирида ҳам кўп миллатли халқимизнинг манфаатлари ифода этилган. Бироз ўзим ҳақимда гапирсам.

70-йилларда мактабни тамоланганман ва маълумотим олий бўлмаса ҳам олтин қазиб олиш заводига ишчи кучи етишгани боис ишга кирганман. 1980 йилга келиб уста бўлганман. Орадан 9 йил ўтиб катта уста, кейинчалик эса цех бошлиғи лавозимига кўтарилганман. Заводдаги биринчи ўзбек раҳбарлардан эдим. Мустақилликка эришгач, сафимиз анча кенгайди. Ёшларга иш ўргатиш, уларнинг малакасини оширишга эътибор қаратилди.

Уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, ишлаш учун муносиб шариот яратилган эътибор қаратилади. Лекин хавфсизлик масаласи Конституцияда қаролатганини жуда муҳим эди. Мисол учун, боши ёрилиб, кўзи чиқиб кетгач, бошида каска, кўзида ҳимоя кўзойнаги бўлиши кераклиги билан боғлиқ қарарлар кўрилган. Ушбу тартиб йўриқномалардан жой олган. Йўриқномага қон билан ёзилган бўлса-да, амалда ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда мустақам асосга зарурат бор эди. Қонунларнинг бажарилиши қатъий назорат қилиниши ҳам керак.

Шу кеча-кундузда ҳам корхонада, ташкилотда хавфсизлик кафолатланмаса, ишчи-ходим ҳароҳатланса, ўша ташкилотга ташқи банклар кредит бермай қўяди. Масалан, биз акциядор жамиятга айлантирилганмиз. Демак, бизда шундай ҳолат кузатилса, корхонамизга нисбатан ишонч қамаяди, инвесторларда норозилик юзага келади. Мана шунинг учун ҳам ушбу меъёрни Конституцияга киритиш керак. Агар Асосий қонун билан меҳнат фаолиятидаги хавфсизлик кафолатланса, нафақат инсон ҳуқуқлари таъминланади, балки инвесторларнинг ҳам эътиборини тартади. Ҳамкорлик қилишни истовчилар сафи кенгайди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ҲЕЧ
ҚАЧОН ТАНАФФУС
БЎЛМАЙДИ



Шавкат АЮПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Тошкент шаҳри:

— Халқимиз аздалан илми, маърифатли кишиларни қадрлаган, илм ахлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Шундан бўлса керак, халқ орасида "Билгани зўр бирни йиқар, билими зўр мингни", деган нақл кенг тарқалган. Бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун юртимизда мустақам ҳуқуқий пойдевор яратилган.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг аҳоли, қолаверса, ёшларни илм-фанга чуқур йўналтиришга қаратилган ташаббуслари мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий таълим тизими ҳамда илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, компьютер саводхонлиги, касб-ҳунар эгаллашга қаратилган янги ёндашув, ўз билим ва кўникмаларини халқаро майдонда муносиб намойиш этишга қодир фарзандларимиз кун сайин кўпаяётгани ҳар биримизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини уйғотади.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига қаратилган эътибор самараси ўлароқ ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди, 3 ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси босқимча-босқич ошириб борилмоқда. Иқтидорли болалар учун махсус фанларга ихтисослаштирилган мактаблар кўпаяпти, кишлоқ мактабларидаги шарт-шароитлар ҳам шаҳар мактабларидан қолишмаслиги, билимга чанқоқ ёшларнинг сони кун сайин ошиб бораётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Олий таълимда ҳам янгиликлар талайгина.

Давлатимиз раҳбари Бош Қомусимизда давлат мактабига таълим, мактаб ва олий таълим тизимини, турли мулк шаклидаги, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ нормалар ҳам бўлиши кераклигини бежиз таъкидлаганлари йўқ.

Таълим-тарбия узлуксиз жараён бўлиб, унда ҳеч қачон танаффус бўлмайди. Бу юксак масъулият талаб этадиган жараён. Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия ижтимоий ислохотлар замиридаги энг муҳим ҳалқа ҳисобланади. Боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фаннинг уйғун бўлиши, конституциявий даражада мустақамлаб қўйилиши эса ҳаммамиз учун бирдек қувончли.

ОНАЛАР ВА АЁЛЛАР
МУҲОФАЗАСИ
КУЧАЯДИ



Олим ТУЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Тошкент вилояти:

— Ҳаволар исиб кетди. Аслида биз мана шундай иссиқда туғилдик, иссиқда яшадик ва шу ҳароратга ўрганганмиз. Айтади-ку, иссиқ ҳам ўзимизники, қуёш ҳам. Чунки биз Шарқда яшаймиз. Қонимиз қайноқ, меҳнаткаш, бориға шукр, йўғига қаноат қилиш каби фазилатлар эгасимиз. Унинг устига иш жойим ҳам иссиқ. Доимий равишда печининг ёнида бўлишимизга тўғри келади.

37 йилдан бери бир жойда ишлайман. 20 ёшимда фаолиятимни бошлаган бўлсам, ҳануз ўша пўлат эритиш цехида фаолиятим давом этапти. Яқинда Президентимиз комбинатимизга келганда касбимни сўради. "Сталивар" ман десам, у кишига қизиқ туюлиб, қайтадан айтишимни истади. Аслида пўлат эритувчисиман. Қўлимиздан келган иш шу экан, мана, кам бўлмадим, Қаҳрамонлик шарафига лойиқ кўрилдим. Ҳалол меҳнатнинг рағбати эртами-кечми берилар экан. Ўғлим ҳам изимдан бориб, айни пайтда бир жойда ишляпмиз. Қизим эса онасининг изидан бориб, тиббиёт соҳасида фаолият юритаяпти.

Бугунги ёшлар жуда ҳам илғор бўлиб кетган. Замон кун сайин, соат сайин ўзгараяпти. Демак, биз ҳам ана шунга яраша, ундан ортда қолмасдан ҳаракат қилишимиз лозим. Шу сабабли Конституциявий ислохотларни қўллаб-қувватлайман.

Хусусан, оналар ва болаларга эътиборни кучайтириш билан боғлиқ меъёрлар ҳаётӣ, деб ҳисоблайман. Масалан, бола пулининг берилишини олайлик. Кимгадир берилиб, кимдир қолиб кетарди авваллари. Эндиликда маълум бир ёшгача уларга нафақа тайинлини кўзда тутилмоқда.

Биламизки, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинган. Энди бу қоидаларни Бош Қомусимизда мустақамлаб қўйилиши таклиф этилмоқда. Яъни, ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг ўз ҳақини қамайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши кераклиги таъкидланди. Ўйлайманки, бу орқали жамиятда аёлларнинг ўрнини оширишга катта ҳисса қўшилади.

Ҳаммамизнинг онамиз бор. Ким бўлишимиз, қайси соҳада ишлайшимиздан қатъи назар, аёллар бизни дунёга келтиради, давомчиларимиз бўлган фарзандларимизни дунёга келтиради. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш Конституция даражасига кўтарилса, ўйлайманки, бу фақат яхшиликка хизмат қилади.

ҚЎШНИЛАР ҲАМИША
КЕРАК

гувоҳи, бевосита шитиқликчи бўлдим. Кўп йиллик меҳнатимиз муносабати билан фахрли меҳмонлар сафида қақчиришди. Бундан бошим кўкка етди.

Энг хурсанд бўлган жиҳатим, шунча йиллар давомида узилган алоқалар тикланыпти. Авваллари қуда-анда бўлганмиз, борди-келдимиз жуда яхши эди. Ҳатто бозорликларни ҳам ўша ердан қилардик. Улар билан тилимиз бир эмасдир, лекин дилимиз битта, аждодларимиз, илдишимиз бир жойга тааллуқли. Яшашимиз, турмушимиз ўхшаш.

Бу ўзгаришлардан халқимиз қувонади. Чунки енгилликлар яратилади. Битта поезд билан Душанбега бориш, қўшниларимиз билан танишиш имкони ошади. Муносабатларимиз мустақамланади.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда ҳам шу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Масалан, Асосий қонунимизга Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принциплари билан меъёрларига асосланиши ҳақидаги моддани қўшишни таклиф этди.

Бу масаланинг Асосий қонунда муҳрланиши бошқа давлатларнинг бизга ишончини оширишга, ҳамкорлик, дўстлик муносабатларини янада мустақамлашга ҳисса қўшади.

БОРЛИГИМ БИЛАН
ҚЎЛЛАЙМАН

Биринчи ишга кирган одам, албатта, ойлик маоши ҳақида сўрайди. Бу масала ҳар бир ишчини қизиқтиради. Бугунги кунда корхоналарда ўзининг тайинланган, белгиланган ойлик маош миқдорлари бўлади. Қайсидир ташкилот соатбай, қайси бири-дир ишбай, бошқалари кунбай ҳақ тўлашади.

Агар ҳақ тўлаш қиладиган ишга, унинг сифати-га, мураккаблигига қараб белгиланса, албатта, унга эга бўлиш учун яхши мутахассис бўлиш керак. Ўз ишининг устаси ҳар доим яхши ҳақ олишга муносиб бўлади. Албатта, ҳамма ҳам қисқа вақт ичида мутахассис бўлиб қолмайди. Айримлар ишни тез ўзлаштиради, айримларга бунинг учун йиллар керак бўлади. Шу боис назария билан амалиётни чамбарчас боғлаш керак, деб ҳисоблайман. Ёшлар олий таълим муассасаларида ўқиб юрган вақтлариданоқ корхона, ташкилотларда амалиёт ўташи, иш жараёнларини ўрганиб бориши мақсадга мувофиқ. Агарда талаба ҳафтада бир марта бўлса ҳам корхоналарга, йўналиши, соҳаси бўйича ташкилотларга бориб турса, битириши биланоқ ишлаб кета олади. Амалиёт ўтмаса эса иш ўрганиш учун 6-7 ойлаб вақт кетказида. Ҳозир талабалар ишлаши ҳам мумкин экан, шундай имконият яратилибди. Мен буни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

20 нафардан ортқ шоғирд тайёрлаганман. Фарғона нефтини қайта ишлаш заводида 46 йил меҳнат қилдим. Бугун нафақада бўлсам-да, томорқамда машғулман. Ўғлим ва қизим ҳам менинг ишимни давом эттиришяпти. Меҳнатдан бахтимни топганман. Шунча йил давомида ишлаган бўлсам оиламни боқдим, ўғлимни уйлантирдим, қизимни узатдим. Кам бўлмадим, кадр топдим. Ҳар бир шахс меҳнати ортидан фаровон яшага ҳақли. Шунинг учун ҳам Конституция-мизга меҳнат ҳуқуқи кафолати бўйича киритилаётган меъёрларни борлигим билан қўлламан.



Юсуф ЗИЯЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Сурхондарё вилояти:

— 45 йил давомида темир йўл тизимида ишладим. Оддий машинист сифатида фойлат олиб борган бўлсам-да, шароитим ёмон эмас. Шукр келтираман. Ўтган йили ўз истагим билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздим, 65 ёшгача ишладим. Ўрнимни ёшларга бўшатишни афзал билдим, шоғирдлар йўлимизни давом эттиради.

Ҳаётимнинг катта қисми темир йўл қурилишида кечди. Бизнинг давримизда ўқиш қийин эди. Дадам "бор, бир айланиб кел", деб жўнатиборганда Уралда ўқиганман. Шукр, майда касб бўлса ҳам кам бўлмадим. Ўзбекистон ҳамда қўшни мамлакатларнинг темир йўллари қурилишида қатнашганман. Бугун бу ишларни айтиб, ғурурланаман.

Яқинда Душанбедан Тошкентга поезд қўйилди. Ана шу воқеликнинг нафақат



Ботир ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фарғона вилояти:

— Меҳнат инсонни улуглайди. Ҳар бир одам меҳнати ортидан қадр топади, меҳнати туфайли элга танилади, рўзгор тебратилади, турмуши фаровон бўлишини таъминлайди.

Телевизордан эшитдим, Конституцияга Президентимиз ҳар бир шахсининг қулай меҳнат шариоитида ишлаши, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустақамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгиланиши таклиф этибди. Бу катта гап.

Ҳар бир инсон меҳнат қилар экан, унга бутун кунги, ҳаёти, умрини бағишлайди. Демак, ана шу меҳнат ортидан топаётган даромади муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлиши керак. Оиласи, фарзандларини боқиб учун ҳалол меҳнат қилиб кун кечира олишга ишонадиган маошга эга бўлиши керак. Шунда одамлар касбига бор меҳрини, кучини бериб ишлайди, фаолиятида самара бўлади.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИДИР



Назира МАТЯҚУБОВА,
"Қорақалпоғистон
тонги" газетаси бош
муҳаррири,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Жўқорғи Кенгеси
депутати, Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист:

— Фаробий фозил жамиятни шундай ёрқин тасвирлайди: "Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир".

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқиди Асосий қонунимизда "Ўзбекистон – ижтимоий давлат", деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этди. Мана шу таклиф асосида алоҳида кўрсатиб ўтилган аниқ йўналишлар Фаробий орзу қилган фозил жамият гоёсига ҳамоҳангдир.

Тарихимизга чуқур назар ташлайдиган бўлсак, халқимиз, аждодларимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келган орзуларидан бири бу — ҳозирги тил билан айтганда ижтимоий давлатдир.

Масалан, Фаробийнинг фозил жамият, инсон ва унинг бахт-саодати, ўзаро ёрдам, доно етакчи, тенглик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун хаёлот эди. Бироқ бу таълимот илғор ижтимоий тафаккур тараққиётга буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг ижтимоий ғоялари кейинчалик мутафаккирлар Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Низомий, Саъдий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ва бошқалар ижодида ривожлантирилди.

Бугунги кунга келиб, ижтимоий давлат тушунчасининг ҳам илмий-назарий, ҳам амалий-ҳаётий жиҳатдан афзалликлари исботланган.

Маълумки, ижтимоий давлат бу — ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланади. Асосий мақсад эса ҳар бир фуқаронинг яшаш тарзини юқори даражага кўтариш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатидан табақаланишини, яъни уларнинг яшаш учун кетадиган сарф-харажатларида кескин фарқ бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан қаролатилган тизимини яратиш орқали ёрдам кўрсатиш, яъни ижтимоий тафовутларни камайтиришдир.

Шунингдек, меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланиши, ўзи ва оиласининг муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақига эга бўлиши, ишчи, ходим учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишсизликдан ҳимояланиши, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиши ижтимоий давлат яратадиган имкониятлардир. Бундан ташқари, оилалар, болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бор шахслар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Аслида кейинги йилларда мамлакатимизда бу каби масалаларга эътибор юқори даражага кўтарилгани, давлат бюджетининг асосий қисми ижтимоий масалаларга йўналтирилаётгани, айниқса, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламга ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳалар ва ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш борасида самарали натижаларга эришилаётгани барчамиз гувоҳимиз. Айтиш мумкинки, юртимизда жорий этилган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" "Ёшлар дафтари" ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар, аёллар ва ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда энг самарали тизим сифатида ўзини исботлади. Ана шундай қўллаб-қувватлаш билан келиб чиқиб, ижтимоий давлатчилик Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб бораёпти, десак муболаға бўлмайди. Бу тамойилнинг Асосий қонунимизда акс этиши эса Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақомини нафақат ўзимизда, балки халқаро муносабатларда ҳам ҳуқуқий мустаҳкамлайди.

Президентимиз "Инсон қадри учун" ғояси ҳамда ҳозирги ислохотларнинг бош тамойили бўлган "Инсон - жамият - давлат", деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур", дея таъкидлади ўз нутқиди. Демак, бу орқали инсоннинг ҳаёти, кадр-қиммати, шаъни, ғурури устуворлиги ҳуқуқий мустаҳкамланади. Кўриниб турибдики, бу ғоянинг туб негизда инсон қадрини улғулаш, унга муносиб яшаш учун шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш мақсадлари мужассам.

Бир оддий ҳақиқат бор: халқ қачон давлатнинг сиёсати, жамиятдаги ислохотларга қизиқади? Ўзининг муносабатини билдиради, таклифлар беради? Қачонки, ўтказилган ислохотлар уларнинг ҳаётида ижобий ўзгариш ясаган бўлса ва келажақдаги ислохотларга ишонса.

Шу жиҳатдан кейинги йиллардаги инсон қадрини улғулаш, инсон манфаатини таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар уларнинг келажаққа бўлган ишончига пойдевор бўлди, десак тўғри бўлади.

Президентимиз ўз нутқиди фуқароларимиздан ҳозиргача 48 минг 492 та таклиф келиб тушганини таъкидлади. Бу, аввало, конституциявий ислохотлар зарурати мавжудлигини, қолаверса, халқимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалиб, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганини, энг муҳими, шу юрда ўз оиласининг келажақига ишончини кўрсатади. Айниқса, Президентимизнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқиди илгари сурган таклифларидан Қорақалпоғистонда, халқимизнинг кўнглида яна бир тўлқин пайдо бўлди.

Зеро, бу таклифлар ҳар бир инсоннинг дилидан жой оладиган ниҳоятда халқчил таклифлар эди. Шу боисдан ҳам бутун халқимиз Конституциямизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватламоқда, нафақат қўллаб-қувватламоқда, балки ўзларининг ҳам таклифларини билдирмоқдалар.

Ўз даврининг етук олимларидан бири Д.И.Логофет Темура тузуқларини ўрганиб ва унга юксак баҳо бериб, "Туркистонда ҳуқуқий давлат ва Конституциявий кодекс Европадан 500-400 йил олдин вужудга келган", деган фикрни илгари сурган экан.

Конституциявий ислохотларда мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари фаоллик кўрсатаётгани бежиз эмас. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда инсон қадрланадиган ижтимоий давлатни ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўладиган Конституциямизни такомиллаштиришда янада фаол бўлайлик.

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БЎЛИШИ ЛОЗИМ



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
раиси:



Жаҳонгир ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди аппарат
раҳбари:

— Албатта, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий қиёфаси тубдан ўзгарди. Олти йил олдинги халқимиз билан бугунги юртдошларимизнинг дунёқараши ўртасида катта фарқ бор.

Амалга оширилаётган барча ислохотларимиз марказида инсон қадрини улғулашга қаратилган эзгу ғоя мужассам. Чунки, бизнинг муқаддас динимизда ҳам, буюк алломларимиз бой илмий ва маънавий меросида ҳам инсон ҳаёт ғавҳари, тенгсиз мўъжиза сифатида улғуланади.

Президентимиз айтганидек, "Биз бар-

— Пойдевор қанчалар мустаҳкам бўлса, бино шунчалик бақувват бўлиши аён. Конституция эса давлатнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади.

Шиддат билан ўзгараётган ва тобора таҳликали тус олаётган бугунги замон бирор давлатнинг тақдирига таъсир ўтказмаслигига қафолат йўқ. Шундай экан, давлат раҳбари таъкидланганларидек, ён-атрофимиздаги ўзгаришлар Ватанимиз тақдирига янада улкан масъулият билан ёндашиб, кечиктириб бўлмайдиган стратегик қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, жамиятимизда кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар, одамларнинг муносиб

турмуш кечириши учун кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш эҳтиёжи пайдо бўлгани ҳам бор гап. Шу ва шу каби омиллар Бош Қомусимизни янгилашга эҳтиёж пайдо қилгани ўз-ўзидан тушунарли.

Эътиборлиси, "Инсон қадри учун" ғояси Конституциянинг муайян боб ёки моддасидагина эмас, балки унинг мазмунига чуқур сингдирилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралаётганини яна бир бор кўрсатади.

Инсон шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак экан, бунинг барча тартиб-тамоийлар наинки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, балки Асосий қонунимизда ўз аксини топиши, яъни конституцион норма тариқасида белгиланиши мамлакатимизда ижтимоий адолат таъминланишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, давлат раҳбари "...адолатли ва мустақил суд, қонун устуңлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибини сақловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизимини яратиш асосий вазифа" эканини алоҳида қайд этганлари ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар қандай жамиятда юрт тинчлиги, фуқаролар осовишталиги, уларнинг эркин меҳнат фаолияти ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари қафолати Конституцияда белгиланган нормаларга риоя этилиши мазкур органлар фаолиятига боғлиқ.

ЯШАШ – ЭНГ ОЛИЙ ҲУҚУҚ

по этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати ҳар нарсадан устундир". Шу боис инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт. Янгилаётган Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилса, ўзининг муқамал ҳуқуқий ечимини топса, нур устига аъло нур бўларди.

Президентимиз "Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади - инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир" мавзусидаги Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқиди бир қатор инсонпарвар нормаларни илгари сурди. Яшаш ҳуқуқи - ҳар бир инсоннинг табиий ҳуқуқи бўлиб, унга бу ҳуқуқни давлат эмас, Яратганнинг ўзи ато этган. Бизда ўлим жазоси бекор қилинган. Шу боис "Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади", деган яна бир муҳим нормани Бош Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилмоқда. Албатта, буни биз, юристлар ва бутун халқимиз қўллаб-қувватлаши тайин.

Бундан ташқари, "Хабеас корпус" институтини ривожлантириш масаласи ҳам жуда тўғри кўтарилган. Яъни, шахс суднинг қарорига қарш кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмас. Агар суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқа турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган мuddатда қабул қилинма-

са, бундай шахсни дарҳол озод қилиш керак. Бу ҳақдаги муҳим нормани ҳам Бош Қомусимизда акс эттириш мантиқан тўғри бўлади. Бундай қоидалар инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият, деган эзгу тамойилга ҳар томонлама мос келади.

Шунингдек, учрашувда "яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қилмаслик ёки юқори лавозимларга тайинламаслик" масаласида ҳам тўхталиб ўтилди ва бу аҳолининг кўнглидаги гап бўлди. Бу эски тузумнинг асорати сифатида бугунги кун нуқтаи назарига тўғри келмайди.

Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимини қораловчи, жазоловчи органдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш - ислохотларимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлади. Ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам адолатли ва мустақил суд, қонун устуңлигини амалда таъминловчи прокуратура, жамоат тартибини сақловчи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички ишлар, миллий гвардия, кучли адвокатура тизими яратиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мувожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

ХАЛҚИМИЗ ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЗИ БЕЛГИЛАМОҚДА



Зулайҳа АКРАМОВА,
Олий Маҳлис Қонунчилик
палатаси депутати,
Халқаро ишлар ва
парламентлараро
алоқалар қўмитаси ҳамда
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— "Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси аъзолари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди.

Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш юзасидан қарор қабул қилдилар. Бу мамлакатимизда Конституциявий ислохотлар янада муҳим палласига кириб бораётганини аниқлатади. Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталарида ҳамда "Meningkonstitutsiyam.uz" электрон платформасида эълон қилиниши белгиланди. Демак, шундан кейин фуқаролар, сайловчилар Бош Қомусимизга қандай ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф этаётганини билан яқиндан танишиш, яхшилаб ўрганиш, мулоқот қилишга киришади.

Ҳеч муболагасиз, барчамиз тарихий жараёнларнинг нафақат кузатувчиси, балки имволари, фаол иштирокчиси бўлиш имкониятига эгамиз. Мен буни Ватанимиз олдидаги фарзандлик ва

фуқаролик бурчимиз, деб биламан.

XXI асрда инсоният тарихида юз бераётган турли эврилишлар, яхши ва ёмон кунлар, илм-фан ва бошқа соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар ичида бахтли ҳаёт кечириш учун интилиб яшаётган бўлсак-да, аммо хали-ҳамон ер юзининг қўллаб-қувватлаши аҳоли ўртасида ичимлик сувининг танқислиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги каби глобал миқёсда ечимини кутаётган муаммолар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирда шу каби муаммоларнинг юртимиз ҳаётига соя солишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш орқали халқимизни рози қилиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида муҳтарам Президентимиз томонидан белгиланган энг муҳим вазифалар юқори даражадаги устуворлик билан, янги замон талабларига мувофиқ равишда босқичма-босқич тарзда амалга ошириб келинмоқда.

Аммо эришган ва эришаётган ютуқларимиз сони ортиб боргани сари қилинажак ишларимиз, олдинда турган вазифаларимиз сони ва салмоғи ҳам шу қадар кўпроқ бўй чўзаётгани аён бўлмоқда.

Бугун дунё цивилизацияси тараққиётда ўзига хос ўсиш ва кўтарилиш билан из қолдиришга интилаётган, ўз халқини бир мақсад йўлида бирлаштириб, уни яхшилик ва адолатли йўл сари сафарбар қила олаётган, ўзининг аниқ ва мустаҳкам ғоясига эга бўлган қудратли бир юртининг Учинчи Ренессанс даври бошида яшамоқдамиз.

Бундай тарихий эврилишлар, улкан тараққиёт ва юксалишлар даврида яшаш, ўзига яраша муносиб из қолдириш эса ҳар бир тақдир эгаси ва ҳар қандай халқ учун жуда катта тарихий аҳамиятга молик бўлган бир ҳолки, буни яхши англаб етган халқимиз Янги Ўзбекистон стратегиясини белгилаб берган ўз йўлбошчисининг ёнида янада жиқпроқ бўлиб, кейинги ўн йилликлардаги фаолиятимизни белгилайдиган тараққиёт тамойиллари ва вазифаларини амалга оширишда бир тану бир жон бўлиб фаолият олиб боришмоқда. Натижада ўтган жуда қисқа вақт - бор-йўғи 5-6 йиллик

давр мобайнида юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар қўламини бугун бутун дунё тан олмақда ва ўз ҳавасларини яшираётгани йўқ.

Ва табиийки, эндиликда биз энг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришиш, мумкин қадар камчиликлардан ҳоли бўлган мутлақо янги жамият қуришдек улғувор мақсадлар сари интилаётган эканмиз, демак, мамлакатимизнинг замонавий ва жозибдор қиёфасини яратиш учун ҳар қандай соҳада инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканини асосий мақсад-муддаомизга айлантиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Ҳозирда Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожланган юрт, бахтли инсонлар мамлакатига айлантириш мақсадида янги жамиятни барпо этиш ғояси асосида халқимизнинг барча қатламлари иштирокида уларнинг фикр-мулоҳазалари асосидаги янгилашган Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига киритилмоқда.

Бугунги кунда Бош Қомусимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича комиссияга келиб тушган таклифлар сони 50 мингдан ошиб кетди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 20 июнь кунини Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтган учрашувда 4 та йўналишда муҳим таклифлар илгари сурилди. Айтиш мумкинки, мазкур таклифларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатига қаратилгани билан ғоят муҳим ва аҳамиятлидир.

Бугун биз одамлари ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги давлатни барпо этишдек улғу бир мақсад йўлида яшамоқдамиз. Бундай қудратли сафда бўлишининг ўзи эса ҳар биримиз учун улкан бахт ва бениҳоя катта шарафдир.

Бугун кўча-кўй, ижтимоий тармоқлар, илмий доиралар ва энг асосийси, юртдошларимизнинг ҳар бири ўзаро дийдорлашув онларида ҳам айна масала бун мавзуга айланиб бўлди. Муҳокамалар жараёнини кузатиб, халқимиз ўз келажагини ўзи белгиламоқда, деган тугал ишончга келиш мумкин.

XDP hayotidan

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

БУТУН ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ

Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК МУХОКАМАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ФАОЛЛИК РУҲИЯТИ ВА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТМОҚДА. МАЗКУР ЖАРАЁНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ХАРАКАТ ҚИЛМОҚДА.

Олий таълим вазирлиги тизимидаги барча олий таълим муассасалари мутасаддилари иштирокида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган онлайн форматда давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг спикери ўринбосари У.Иноятлов ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Р.Ҳақимов Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, мамлакатимизда изчил демократик ислохотларни чуқурлаштиришдаги аҳамияти ҳақида тушунтириш берди.

Спикер ўринбосари У.Иноятлов Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар, мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш зарурати ҳақида тўхтади.

Ўтган давр мобайнида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар бўлгани таъкидланди. Бу эса Бош Қомусимизда "Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат" тамойилларини мустаҳкамлаш, турли ислохотлар жараёнида инсон манфаатлари бош мезон бўлишини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлигини, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини конституциявий даражада кўтариш, давлат ҳокимияти асосларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамасида партиянинг муносиб иштирокчилари таъминлаш юзасидан махсус йиғилиш ўтказилди. Унда ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар раҳбарлари, масъул ходимлари, тарғибот гуруҳи аъзолари мавзу бўйича атрофлича фикр алмашишди.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тушунтириб ўтилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро учун муҳим экани қайд этилди. Халқ демократик партияси мазкур жараёнларда, жамоатчилик муҳокамасида муносиб қатнашиш мақсадида ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди.

Хусусан, жорий йилнинг 25 июнь кунидан 5 июлга қадар партия фракцияси аъзолари, кенг жамоатчилик, электротар вакиллари, маҳалла фаоллари, депутатлар, меҳнат жамоалари иштирокида ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича 900 дан зиёд тадбирни ўзидан жамлаган партиянинг тарғибот ва ташвиқот режаси ишлаб чиқилди.

Режада белгиланган тадбирларни ўз вақтида, юқори савияда ташкил қилишга партиянинг 1200 нафардан ортиқ тарғиботчиси, 1600 нафардан ортиқ Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, 10 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари кенг жалб қилиш, Конституциявий қонун лойиҳасига фуқаролар, партия аъзолари ва фаолларнинг ўз таклифларини беришлари учун зарурий шарт-шароит яратиш, хусусан, ўтказилаётган тадбирлар давомида фуқароларнинг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб бериш, ҳар кунги партия Марказий Кенгашидаги ишчи гуруҳга тақдим этишни давом эттириш вазифалари юклатилди.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Ўзбекистон ХДП томонидан Конституциявий ислохотларга тарғибот-ташвиқот ишлари доирасида "Конституциявий ислохотларни амалга оширишда фахрийларнинг фаол иштирокини таъминлаш" мавзусига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Конституциявий ислохотларни амалга ошириш аҳолининг фуқаролик фаоллиги ошириб бораётган бир пайтда бошлангани алоҳида қайд этилди. Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича келиб тушган таклифлар ва партия таклифларини тайёрлаш бўйича 15 нафар республика ва 70 нафар ҳудудий ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди.

Давра суҳбатида партия фахрийларининг конституциявий ислохотларга муносабати, таклифлари тингланди. Жонли, самимий мулоқот тарзида ўтган учрашувда олинган таклиф, фикр-мулоҳазалар ишчи гуруҳи томонидан ёзиб олинди. Улар умумлаштирилган ҳолда мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ва Конституциявий комиссияга тақдим этиш чоралари кўралади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА

Андижон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида "Конституция - инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида учрашув ўтказилди. Тадбирда шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари, партия фаоллари иштирок этди.

Учрашувда Конституциявий қонун лойиҳасида фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолати мустаҳкамланаётгани, давлатнинг бу ҳуқуқни амалга ошириш бўйича масъулияти янада оширилаётгани қўллаб-қувватланиши маълум қилинди. Қонун лойиҳасида назарда тутилган бир қатор меъёрлар бўйича қўшимча таклифлар ҳам билдирилди.

Тадбир қизғин, фикр ва таклифлар алмашинуви тарзида ўтди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши, партиянинг Қиррай туман кенгаши ҳамкорлигида тумандаги 14-сонли умумтаълим мактабида "Конституциявий ислохотлар - халқпарвар давлат барпо этишининг муҳим шарт" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Сўзга чиққанлар Конституциявий қонун лойиҳасида жуда муҳим масалалар, хусусан, аҳоли эҳтиёжманд қатламнинг уй-жойга эга бўлиш

ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича янги меъёрлар белгиланаётганини қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш зарурлигини, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги кераклигини, иморат бузилишига тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шартлиги мустаҳкамланиши ҳар жиҳатдан адолатли ва ҳаётий таклиф экани қайд этилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий шаҳар кенгаши томонидан Гимнастика федерациясининг ҳудудий бўлимида Конституциямига киритиш кўзда тутилаётган ўзгариш ва қўшимчалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бош Қомусимизга янги нормаларнинг киритилиши фуқароларнинг инсон сифатидаги қадрини тиклашда асосий пойдевор бўлиши таъкидланди. Хусусан, Конституцияда маҳалланинг маконини ҳамда давлат органларининг бу борадаги вазифаларини аниқ белгилаш, бунда маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиши, бунинг учун давлат органлари уларга кўмак кўрсатишига оид тамойиллар асосида ўз ишини ташкил этиши лозимлиги ҳақидаги нормаларнинг киритилиши аҳоли манфаатларини янада қўллаб-қувватлашнинг асоси экани қайд этилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА

ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши томонидан "Конституция - инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкиллаштирилди. Давра суҳбатида фаоллар, депутатлар, партия фахрийлари иштирок этишди.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда таклифлар билдирар экан, асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шароитида ишлаши, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда бўлишини белгилаш масалаларини илгари сурди. Тадбирда сўзга чиққанлар ҳақиқатан ҳам бу инсон қадрини улуғлашнинг асосий мезони экани, меҳнат учун муносиб иш ҳақи аҳолининг фаровон турмуши гарови эканини таъкидлашди.



ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИДА

Муборак тумани "Қарлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ҳудуддаги 23-оилавий поликлиникада ҳам шу масалага бағишланган тадбир ўтказилди. Давра суҳбатида партия, маҳалла фаоллари, тиббиёт ходимлари, хотин-қизлар ва ёшлар иштирок этишди.

Давра суҳбатида "Инсон қадри учун" ғоясини Конституцияимизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарурлиги таъкидланди. Бош Қомусимизда ҳомиладорлиги ёки ёш босими борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайитириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шартлиги бўйича билдирилган Президент таклифи, айниқса, тўла қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА

Самарқанд вилоят Эндокринология диспансерида депутатлар, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда Президентнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган учрашувда Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, ишироқчилар Конституцияимизда тиббий маданиятни янада юксалтириш, тиббиёт ходимлари хавфсизлиги ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар янада мустаҳкамланиши, Президентимизнинг амалдаги Конституцияда белгиланган "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деган моддани кенгайтириб, тўғридан-тўғри қўлланадиган нормалар билан бойитиш шартлиги борасидаги таклифларини қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИДА

Бош Қомусимизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик масаласи белгиланиши мамлакатимиздаги ҳар бир оила учун муҳимдир. Бойсун туманидаги "Авлод" маҳалласида "Конституцияда инсон қадри учун ғоясининг белгиланиши" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ушбу таклифнинг нақадар долзарб ва аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасининг мақсад ва устувор вазифалари тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИДА

Конституциявий комиссия йиғилишида давлатимиз раҳбари "Бош Қомусимизда боланинг манфаатлари,

унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун барча шароитларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида ўз аксини топиши зарур", деган таклифни бежиз илгари сурмади. Зеро, ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши энг долзарб масаладир.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши томонидан маҳаллалардаги ёшлар иштирокида ўтказилган тарғибот тадбирида шу хусусда сўз борди. Аҳоли вакиллари конституциявий ислохотлар, ҳаётий таклифларни қўллаб-қувватлаш кераклиги ҳақида фикрлар билдиришди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА

Арнасой тумани "Ғолиблар" маҳалласида ўтказилган тарғибот тадбирида маҳалла ва партия фаоллари, депутатлар, БПТ етакчилари иштирок этди.

Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида умумий маълумот берилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар қандай шаклда ажратиб қўйиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишдан бош тортиш тақиқланиши, давлат уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароитларни ва тенг имкониятларни яратиши ҳақидаги таклифлар қўллаб-қувватланди.

Алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун таълим муассасаларида инклюзив таълим ташкил этилиши борасида таклиф жуда муҳим эканини таъкидланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА

Тошлоқ туман партия ташкилоти ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасига қаршли шифохонада "Конституция - инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Сўзга чиққанлар киритилаётган нормалар қаторида фуқароларнинг қонунда белгиланган ҳажмда кафолатланган бепул тиббий ёрдам олишга ҳақли эканининг конституциявий даражада мустаҳкамланишини маъқуллашди.

Бундай меъёрлар ижтимоий давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИДА

ЎзХДП Янгиқўрғон туман кенгаши томонидан "Қораполвон" аҳоли давлат олиш масканида "Конституция - инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Конституциявий қонун лойиҳасида ҳар бир шахс дам олиш ҳуқуқига эга экани, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътил олиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ходимларга нафақат меҳнат таътили бериш, шунингдек, иш вақтининг давомийлиги, дам олиш ва байрам кунлари ҳам қонунларда аниқ белгилаб қўйилиши, бундай нормалар ходимларнинг дам олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилиши қайд этилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА

Гурлан туман партия кенгаши туман Телекоммуникация боғланмасида ташкил этган давра суҳбатида Бош Қомусимизда белгиланиши кўзда тутилаётган ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши масалалари атрофида фикр алмашилди. Ташкилот ишчи-хизматчилари, партия фаоллари, депутатлар бу таклифни тўла қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Шунингдек, иштирокчилар Конституцияга киритилиши таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизнинг узоқ мuddатли тараққиёт стратегияси, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, ишончли кафолат яратишини алоҳида таъкидлашди.

Бундай тадбирлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилмоқда.

**«Ўзбекистон овози» муҳбири
Гулрух ОДАШБОВА
тайёрлади.**

ПРЕСС-ТУР



ХАЛҚ БАНКИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ

НАТИЖАСИДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Республика Халқ банки ОАВ ходимлари учун Жиззах вилоятига пресс-тур ташкил этди.

Дастлабки манзил Халқ банкининг кредити эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган мижоз корхонаси "Бону ширинликлари" фабрикаси бўлди.

– Аввало, фаолиятимиз билан танишиш учун келганларингиздан миннатдоримиз, – дейди фабриканинг санитария-гигиена талаблари назоратчиси Мунира Эргашева. – Фабрикамиз қандалат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашгани учун тозалликка, яъни санитария қоидалари ва меъёрларига қаттиқ риоя этилиши талаб этилади. Шу боисдан ҳам ҳар кун ишчилар хориждан олиб келинган замонавий санитария назорати ускунаси ёрдамида назоратдан ўтказилади. Ҳар бир ишчи ходимни ускунанинг ўзи автоматик тарзда олдинга қўлини махсус гигиеник воситалар орқали ювиб қуритади ва оёқ кийимини ҳам худди шу тарзда тозалайди. Шундан сўнг ускунанинг ўзи ходимларни гигиеник жиҳатдан тозаланини тасдиқлайди ва ишлаш хонасининг эшиги очилади.

Этиборли жиҳати, журналистлар ҳам ушбу ускунанинг назоратдан ўтиб, қандалат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиш жараёнлари билан бевосита танишишди.

– Фабрикамиз 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, Халқ банкidan фаолият кўламини янада кенгайтириш ҳамда замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун қарийб 10 миллиард сўм кредит олдиқ, – дейди "Бону ширинликлари" фабрикасининг молиявий директори Бобир Исроилов. – Ушбу кредит эвазига фабрикамиз хорижий замонавий ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозирда корхонамизнинг қандалат цехларида турли қадоқланган конфет, вафли, печение, кекс, пирожни ва торт сингари 100 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда 450 дан ортиқ ходим иш билан таъминланган.

Хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхонамизнинг 6 та линиясида ойига 700 тоннага яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Йиллик қувватимиз эса қарийб 4 минг тоннага тенгдир. Фабрикамизда ишлаб чиқариш жараёнида Россия ҳамда Беларусдан келтирилган сифатли хом ашёдан фойдаланилмоқда. Тўғриси айтганда, бизда ишлаб чиқарилаётган ширинликлар мазаси ва юқори сифати ҳамда нархнинг арзонлиги билан аҳолимиз меҳрини ва эътиборини қозонган.

Мисол учун, "Miller" ва "Bonni" каби қандалат маҳсулотларимизни республикамизнинг исталган ҳудудидидаги супермаркет, минимаркетларида аҳолимиз севиб харид қилаётганидан ҳам билишингиз мумкин. Аслида маҳсулотимизнинг ўзига хослиги ҳам шунда. Шу боис, фабрикамизнинг маҳсулотлари нафақат ички бозорларда, балки хорижда ҳам хариддоргир. Бугунги кунда фабрикамиз маҳсулотлари қўшни мамлакатлар, Афғонистон, Тўрқманистон, Тожикистон, Қирғизистон, шунингдек, Озарбайжон ва Хитой давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхонамиз жамоаси истиқболда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириб, хорижий қандалат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш орқали янада экспорт ҳажмини кўпайтиришни режалаштирган.

Пресс-турда эътиборимни тортган жиҳати, "Бону ширинликлари" фабрикасида ишлаётган Матлуба Қуролованинг гапи бўлди.

– Бу ерда ишлаётганимга икки йил бўлди, – дейди Матлуба Қуролова. – Шароф Рашидов туманидаги "Зиекор" МФЙда исти-

қомат қиламан. Турмуш ўртоғим қурилишда ишлайди. Фабрикада ишлаб ойига 3 миллион сўм маош оламан. Тўғриси айтсам, бугун биримиз икки бўлмоқда, топганимизда барака бор. Турмуш ўртоғимнинг даромадига меники ҳам қўшилиб, рўзғордан орттириб, яқинда алоҳида уй-жой қилдик. Мақтаниш, деб ўйламанг-ку бу фабрикада бугунги кунда 450 нфардан ортиқ ходим ишлайди. Барчаси ишига яраша муносиб ҳақ олаётганидан хурсанд. Кимдир фарзандини университетда шартнома асосида ўқитмоқда, яна қайсаридир алоҳида уй-жой ёки автомобиль олишмоқда. Мен нима демоқчиман, бугунги кунда тижорат банклари томонидан мана шундай корхона ёки фабрикаларнинг фаолият бошлаши ёки фаолиятини янада кенгайтириши учун кўпроқ молиявий кўмак берилса, вилоятимизда шунга ўхшаш корхоналар сони янада кўпаярди ва кўплаб янги иш ўринлари яратиларди. Ҳа айтганча, ишчиларнинг келиб-кейтиши учун фабрикамизда махсус транспорт воситалари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ишчилар учун бепул ошхона хизмати ҳам бор. Ойлик маошимизни ҳар ойда тўлиғича уйга, оиламизга олиб борамиз.

Пресс-тур давомида иштирокчилар фабрика томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни татиб кўриб, сировдан ўтказиш ҳамда унга баҳо бериш имконига ҳам эга бўлишди.

Журналистларнинг кейинги манзили Халқ банкининг алоқа маркази, яъни "Call-center" фаолияти билан яқиндан танишиш бўлди.

Ушбу марказ 2020 йилнинг 1 июнида илғор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ташкил қилинган бўлиб, айна вақтда бу ерда 70 га яқин ходим томонидан аҳоли ва мижозларнинг муурожаатларига тезкор жавоб қайтариб, самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Зарур ҳолларда, оператор томонидан филиал ёки бошқаруving маъсул ходимига кўнғироқ қилиниб, масалага ойдинлик киритиларди. Эътиборлиси, кўнғироқ қилиб навбатга тушган ва оператор билан улана олмаган мижозларга марказ операторларининг ўзи қайта кўнғироқ қилишди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир алоқа маркази ходими 1 кунда ўртача 100 та кўнғироққа жавоб берапти. Уларнинг 60 фоизи кириш кўнғироқлари бўлса, 40 фоизи телефон қилиб, боғлана олмаган фуқаролар билан қайта алоқага чиқилмоқда экан.

– Алоқа марказимиз дастлаб 9:00 дан 18:00 га қадар ишлаган бўлса, ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб туну кун, яъни 24/7 режимида 3 та навбат асосида узлуксиз фаолият юритмоқда, – дейди "Call-center" раҳбари Фазилдин Абдурахмонов. – Марказимиз фаолият бошлагандан жорий йилнинг июнь ойи ҳолатигача жами 594 минг 341 та муурожаат кўриб чиқилди. Шундан 35 614 таси айнан туну кун ишлаш вақти ҳисобига, яъни 24/7 режимида қабул қилинган. Маълумот учун 1106 қисқа рақамига кўнғироқ қилиш орқали алоқа марказимиз билан боғланиш мумкин. Шунингдек, марказ томонидан бугунги кунда жисмоний шахслар кредитлари тўлови учун ID рақамларини билиб бериш ва чакана кредит маҳсулотларига ариза қабул қилиш, "Мобил банкнинг" ва "Интернет банкнинг", "СМС банкнинг" каби қатор масофавий хизмат турлари ҳам кўрсатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, алоқа марказига тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Кун давомида ҳал этилмаган муурожаатларга эса банкнинг ички назорат ва ҳудудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш комплекси билан биргаликда ижобий ечим топилапти. Умуман олганда, "Call center" бугунги кунда Халқ банкининг чинакам «юраги»га айланиб улгурган!

Пресс-тур баҳонасида журналистлар учун 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Халқ банки раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби Гулноза Алимова томонидан байрам дастурхони ташкилланди ва иштирокчиларга банкнинг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ



Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, ОАВ ходимлари ҳамда академия ўқитувчи ва ходимлари иштирок этди.

Учрашув давомида академия ректори Музаффар Комилов, Матбуот котиби Баҳодир Жовлиев ҳамда "Зие" медиа маркази директори Абдуҳамид Мухторова Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аъзолик гувоҳнома топширилди. Шунингдек, академия ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўртасида англашув Меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, 2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида илк бор бакалавриятнинг кундузги ҳамда сиртки таълим шаклларига журналистика (халқаро журналистика) ҳамда магистратура босқичининг журналистика (интернет журналистика) йўналишига абитуриентлар қабули эълон қилинди. Шунинг ўзи ҳам бугунги кунда мазкур соҳа вакилларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлажак журналист кадрларга таълим беришда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси амалий ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

АГРОБАНК: ЙИРИК ГИЛАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАБРИКАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА

Тадбиркорлик, айниқса, маҳсулотни бир жойдан иккинчи бир тарафга сотилишини таъминлашда воситачилик қилиш осон эмас. Ундан кўра, бозорни ўрганиб, талаб ва таклиф асосида тайёрланган маҳсулотни харидорга таклиф қилиш ҳар тарафлама қулай. Ана шундай фикрлар инсонлардаги ташаббускорликликни ривожлантириши сир эмас.

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида "TERMEZ NATIONAL CARPETS" МЧЖ ҳам ана шундай изланувчан инсонлар туфайли барпо этилди. 22,2 миллион евролик лойиҳа учун Агробанк томонидан 15,5 миллион евролик маблағ ажратилиши эса тадбиркорга қанот бағишлади. Натижада йилга 4,5 миллион кв.м. ўлчамдаги гиламлар ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика ишга туширилди.

Кун кеча айнан Агробанк томонидан вилоятга уюштирилган пресс-тур давомида мазкур йирик лойиҳани бевосита жойида кўриш имконияти яратилди.

– Биз Афғонистон ва Тожикистоннинг гиламга бўлган эҳтиёжини, чегарадош бўлганимиз учун логистика хизматларини ҳам кўп қимматга тушмаслигини ҳисоблаб кўрдик, – дейди фабрика раҳбари Собир Раҳмонов. – Қирғизистон ва Россияни ҳам ҳисобга олганмиз. Шу тариқа маҳсулотларимизни сотадиган бозор етарлича мавжуд. Биз энг аввало, ускуналар харид қилдик. Бизда Бельгия ва Германиянинг энг илғор ва замонавий гилам ишлаб чиқариш жиҳозлари ўрнатилган. Шу сабабли маҳсулот сифати юқори. Бу эса ўз навбатида, гиламларимизни нафақат ички бозор, балки қўшни давлатларга экспорт

қилишда қўл келмоқда.

Дарҳақиқат, олти гектар майдонда жойлашган фабрика тайёр маҳсулотларининг 45 фоизини қўшни давлатлар — Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилмоқда. Вилоятнинг географик жойлашуви эса масофа ва маҳсулот логистикасига қулайлик яратмоқда.

Фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган гранулалар Қорақалпоғистон Республикасидан олиб келинади. Уларга турли ранглар қўшилади. Аввало, хом ип ишлаб чиқарилади, кейин йигиртилиб, тайёр ип ҳолатига келтирилади. Сўнгра тўқув



станокларига иплар жойлаштирилади. Шу тариқа маҳсулот конвер усулида сотувга тайёрланади.

– Ҳозирча 8 турдаги гилам тайёрланмоқда, – дейди корхона бош технологи Камол Алиев. – Аслида ҳам биз аҳолининг харид қўбилиятини ҳисобга олиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бизда ҳамма харид қила оладиган ўртача сифатли маҳсулотлар бор ҳозирча. Яқин кунларда фабриканинг иккинчи босқичини ҳам ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Айни вақтда корхонада 250 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йиллик маҳсулот сотуви 34,1 миллион евро, соф фойда миқдори эса 5,6 миллион евродан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Пресс-тур давомида лойиҳанинг бошқа эътиборга молик жиҳатлари, ишлаб чиқариш жараёни, хусусан хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга

бўлган босқичлар батафсил тушунтирилди. Шунингдек, бу жараёнда Агробанк йўналтирган маблағларнинг муҳимлиги, вилоятда молиялаштирилаётган ана шундай бошқа йирик лойиҳалар ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этилди.

Агробанк матбуот хизмати.



TABRIK

+39 Корақалпоғистон
+44 Республикаси
Хоразм

+40 Бухоро
+45 Навоий

+37 Тошкент
+42 Самарқанд
Жиззах
Сирдарё

+40 Қашқадарё
+45 Сурхондарё

+36 Андижон
+41 Наманган
Фаргона

+39 Тошкент
+41 шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

O'ZSUVA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI



“ЎЗСУВАЪМИНОТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАОЛИЯТ ОЛИБ
БОРАЁТГАН БАРЧА ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАРНИ
ТАБРИКЛАЙДИ.**

**БАРЧАНГИЗГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ЯНГИ
ИЖОДИЙ ЮТУҚЛАР,
ХОНАДОНИНГИЗГА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК
ТИЛАЙМИЗ.**



«203-ТАЈРИБА YO'L MASHINA STANSIYASI» ЖАМОАСИ



**барча ОАВ вакиллари, ноширларни, қалби уйғоқ ижодкорлар ҳамда
фахрийларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан самимий қутлайди!**

Заъматкаш қаламкашларга ижодий баркамоллик тилаймиз.

Оилангиздан хотиржамлик, хонадонларингиздан файзу барака аримасин.

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 641. 2010 nusxada bosildi. O'zA yakuni — 22:30.
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:10
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI